Әдебиятлар

1. Quranov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: «Xalq merosi» 2004, 187-b.
2. Жуманазарова М. Таңламалы шығармалары. –Нөкис: «Билим», 2019, 134-135-б.
3. Мырзабаева П. Дүнья иси.// https://t.me/a_blognot
4. Мырзабаева П. Қызгене.// https://t.me/a_blognot
5. Мырзабаева П. Өмир - бул бир дәрбент жолдур. // https://t.me/a_blognot
6. Мырзабаева П. Тилек.// https://t.me/a_blognot
7. Оразымбетов Қ. Таңламалы шығармалар топламы. Еки томлық. I том. –Нөкис: «Билим», 2018, 53-б.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005, жилд 9. 179-б.
9. Фазлиддинов Б.Қ. «XX әсир өзбек философиялық интеллектуал поэзиясы. (Ғафур Ғулам, Асқад Мухтар, Рауф Парфи дөретиўшилиги мысалында) Филол. фанлар. PhD…дисс. -Т.: 2019. 162- б.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада шоира М.Жуманазарова ва П.Мирзабаева ижодидаги фалсафий-интеллектуал лирика ва ундаги лирик қаҳрамон масаласи ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается вопросы философо-интеллектуальной лирики и лирического героя в творчестве поэтесс М.Джуманазаровой и П.Мырзабаевой.

SUMMARY. This article examines the philosophical-intellectual lyrics and the lyrical hero in the works of poetess M.Jumanazarova and P.Mirzabaeva.

ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАРДА ТАРИХИЙ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ

З.М.Амирқулова – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, адабиёт, образ, мустақиллик, ижодкор, муаллиф, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзо.

Ключевые слова: история, рассказ, литература, образ, независимость, создатель, автор, Захириддин Мухаммед Бабур, Ахмад Танбал, Джахонгир.

Key words: history, story, literature, image, independence, creator, author, Zakhiriddin Muhammad Babur, Ahmad Tanbal, Jahongir.

Ўзбек адабиётида тарихий шахслар мавзусида асарлар яратиш муҳим аньана сифатида яшаб келади. Бу мавзу нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётининг таниқли ижодкорларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келади.

Мамлакатимизда мустақиллик – бу соҳага катта имкониятлар эшигини очиб берди. Натижада ўзбек адабиётида ҳам тарихий шахслар мавзусида ёзилган қатор бадиий асарлар юзага келди. Маълумки, мустақилликкача бўлган давр адабиётида бу мавзу– бадиий жиҳатдан ўзгача талқин қилинар эди. Тарихий шахслар ҳақидаги асарлар (собиқ шўро даври) тарихий фактлар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти воқеаларини ўз ичига қамраган бўлар эди. Ҳозирги давр ўзбек ҳикоячилигида тарихий шахслар мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди. Бу мавзу ҳикоянавислар диққкат-эътиборини тобора ўзига жалб қила бошлади. Мустақилликка қадар, хусусан, 90- йилларга қадар тарихий шахслар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотлар тасвирини бузиб кўрсатиш юзаки тасвири билан овора бўлиб қолган эдик. Кўпгина ҳикоянавислар улар ҳақидаги маълумотларни янги давр талаби асосида йирик бадиий масалалар томон кескин юз ўгирдилар.

Тарихий шахслар мавзусидаги ҳикояларнинг уфқи анча кенг, уларда ифодаланган ҳаёт лавҳалари ранг-баранг яратилган. Улардаги қаҳрамонлар ҳар хил характер эгалари, турли ёшдаги кишилардир. Улар орасида шоҳлар-гадолар, ижод аҳли, ёшу- кексаларни учратиш мумкин.

Ҳозирга келиб бу мавзуга эътиборнинг бу қадар ортиб бориши тасодифий эмас. Ҳар бир давр шахсларининг, қаҳрамонларининг ўзига хос характери бўлади. Тарихий мавзуга эътиборни қаратиш билан бу асарларнинг ўзида хам қатор янги хислатлар пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, бу ҳикоялар қаҳрамонларининг янги очилмаган қирралари, улар ҳақидаги янги маълумотлар бўлиб янгича талқин бўлиб ҳаётимизга кириб келмоқда.

Ҳикоянависларимиз Раҳимжон Отаев “Ҳадди Искандарий”, “Дийдор”, “ Қорасув”, “Маҳмудлар”туркуми, Луқмон Бўрихон “Алдоқчи тунлар”, Шоим Бўтаев “Ҳисоммидин ал- Ёғий”, Хуршид Дўстмуҳаммад “Қазо бўлган намоз” каби ҳикояларида тарихий шахслар образлари галлереясини яратдилар.

Тарихий шахс қисматида бутун бир жамият, ҳалқ қисмати акс этган бўлади. Бу типдаги ҳикоялар қаҳрамонлари сиймоси атрофида ёзувлар, фазилатли инсонлар, ахмоқлар ёки ижодкорлар ҳам бўлиши тарихий ҳақиқат.

Тарихий шахснинг жамиятда тутган ўрни, адолат ва адолатсизлиги бадиий образлар силсиласида қайсидир йўналишда ўз ифодасини топди.

Тарихий шахс ва жамият воқелиги билан унинг бадиий ифодаси ўртасидаги тасвир боғлиқлиги ижодкорнинг маҳоратига деопозонига боғлиқ бўлиб қолган. Ҳикоя жанрининг вазифалари унинг илмий қонун- қоидалари асосида тарихий тадқиқотлар ўзи мужассамлигини топади. Шахс қисматида тарихий фактлар бадиий образларда ёритиб берган. Шунингдек ўша орқали бадиий тўқима образларда ҳам усталик билан фойдаланган асар қатига сингдирилган. Шу орқали тарихий шахс китобхон кўз ўнгида ўз заифлиги ва адолат ёки ёвузлиги намоён бўлади. Воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятини белгилаб олган ва бадиий образлар ҳаракати орқали бир бутунликка эришган. Бу ҳикоя ўз моҳият эътибори билан ёзувчидан илмий - назарий жиҳатларига эътибор беришни талаб қилган. Истиқлол туфайли қайта тикланаётган миллий тарихимизни тўғри англаш учун уни бадиий адабиётда ҳаққоний акс эттириш талаб этилади. Ижодкорларимиз шу масъулиятни чуқур хис қилиб, ижодий эркинликдан фойдаланган ҳолда тарихий мавзуда кўплаб асарлар ёздилар. Уларда Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби аждодларимиз образлари маҳорат билан яратилди.

Ана шундай аждодларимизнинг ҳаёт йўлини ўз асарларида маҳорат билан тасвирлаган ижодкорлардан бири Хайриддин Султоновдир. Ушбу ижодкор “Паноҳ” ҳикоясида тарихий мавзуда янгича муносабат билан бир қатор ҳикоялар ёзди. Хусусан, ижодкор ўз асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур образини жонли ва ишончли тарзда ифодалашга ҳаракат қилган.

Асар муаллифи 1992 йили бобурийлар изларини излаб Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Афғонистон мамлакатлари бўйлаб ташкил этилган илмий экспедиция таркибида иштирок этди. Сафар таассуротлари, хотира ва ҳаяжонлари, улар давомида аждодларимизнинг бемисл маданий мероси, уларнинг зафар-фожиалари, кечмиш-изтироблари, келгуси

наслларга қолдирган умр сабоқлари, муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида тўпланган кўплаб муҳим маълумотлар муаллиф учун “Ой ботган паллада”, “Паноҳ” ҳикоялари, “Тавба”, “Бобурнинг тушлари” бадиалари ва ниҳоят, “Саодат соҳили” қиссаси “Бобурийнома” маърифий романи яратилишида адабий-эстетик замин вазифасини ўтаган. “Бобурийнома” маърифий романининг яратилишида асос бўлгани шубҳасиз [1:21-24].

Тарих ҳақиқатини авлодлар онгига сингдиришнинг энг таъсирчан усули уни бадиий асарлар тилига кўчирмоқдир. Зеро, чинакам бадиият намунаси ўтмиш воқелигини ўқувчининг наинки онгига олиб киради, балки бир вақтнинг ўзида қалбининг туб-тубига жойлайди. Дунёда бизнинг халқимиз даражасида муаззам тарихга, жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларга бой миллатлар кўп эмас. Бинобарин, шонли тарихимизни, беназир аждодларимизнинг ибратга лойиқ ҳаёт йўлини бадиий асарлар орқали авлодлар маънавий мулкига айлантириш ёзувчи ва шоирларимиз олдида турган долзарб вазифалардандир. Таниқли адиб Хайриддин Султоновнинг “Паноҳ” ҳикояси ана шу мақсадга хизмат қилиши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Ҳикоя Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётининг энг қийин, зиддиятли бир палласи воқеаларини тасвирлаш жараёни билан бошланади:“Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йилнинг қаҳратон қишида темурийзода ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ишлари тараққийдан таназзулга юз тутган эди. Кеч кузакнинг рутубатли, совуқ изғиринлари эса бошлаганда у уч ойдан ортиқ давом этган қамал сўнгида – очлик, мискинлик, хор-зорлик ниҳоясида, ер юзининг сайқали бўлмиш шаҳри азим Самарқандни ғаддор душмани Шайбонийхонга ташлаб чиқди. …”[2:11].

Яъниким, уч ойдан ортиқ қамал, шунингдек куз фаслининг оёқлаб қолганлиги сабабли Бобур қўшини бутунлай ҳолдан тойган ва жуда кўп талофотлар кўрган бир вақт.

“Салтанат ва ҳарбу зарб борасида ҳали аччиқ тажрибалар орттириб улгурмаган ёш ҳукмдор омон қолган етмиш-саксон чоғли навкари билан нажот излаб ота юрти Андижонга отланди. Аммо Самарқанд сарҳадларидан чиқиб улгурмаслариданоқ Андижондан нохуш хабар етди: Заҳириддин Муҳаммаднинг иниси Жаҳонгир Мирзо тожу тахтни эгаллаб, оғасини қилич яланғочлаб кутмоқда эмиш”[2:12].

Бунинг устига ўз туғишган укаси Жаҳонгир Мирзо тожу тахтни эгаллаб Бобур мирзонинг мағлубиятга учрашини жон қулоқ бўлиб пойлаб турибди. Шундай бир рутубатли қизғин паллада Заҳириддиннинг бутунлай боши қотган.

“Киндик қони томган бу вилоят энди илгидан кетганини пайқаган Бобур Мирзо Андижон кўҳпояларидан бошпана топмоқ умидида шу томон юрди. Бироқ бу ерларда қашқирдек изғиб юрган Султон Аҳмад Танбалнинг таъқиб-таҳликаси туфайли яна ортга – Масчоҳ ва Ўратепага, ундан эса тоғ ошиб Даҳкат кентига қараб чекинмоққа мажбур бўлди.” Воқеалар ривожига эътибор қаратар эканмиз, Бобур шахсининг нақадар иродали ва чидамли эканлигига амин бўламиз. Зеро, Заҳириддин Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигорхоним ва Умаршайх мирзониг фарзанди сифатида ўзини муносиб тутди. Бежизга улуғ бобоси Тошкент ҳокими Юнусхон у дунёга келганда “Қутлуғ бўлсин, улуғларнинг исми. Насиб этса, иншооллоҳ, йўлбарсдай баҳодир бўлғусидир. Инчунин, “Бобур”, яъни “йўлбарс” деб чақирсак ҳам бўлар экан”, демаган эдилар. Бобурнинг хаёлида шундай муаммоли фикрлар ғужғон ўйнаган бир пайтда чопарнинг ўктам овози фикрларини бутунлай тарқатиб юборди.

“– Чопар маҳтал бўлиб қолди, амирзодам!

Бобур Мирзо Қосимбекнинг ўктам овозидаги сезилар- сезилмас тоқатсизлик оҳангини пайқаб, хиргоҳ керагасидан кўзини олди. Падари бузрукворининг хизматида ҳам кўп саодатлар кўрсатган бир қари, соҳиб тажриба бекнинг тулки тумоқ остидаги дўнг қаншари асабий тиришиб турарди”[2:12].

Ҳикоядаги қуйидаги эпизодларга эътиборимизни қаратамиз:

“Қосимбекнинг сийрак, сарғиш киприклари пирпиради:

– Англамадим, амирзодам

– Нечун англамайсиз? Ер остида илон қимирласа биладиган сиздек зукко, тезфаҳм кишининг англамаслиги… таажжуб!

– Амирзодам афв этсинлар, бироқ қулингиз ҳеч вақт тезфаҳмлик даъвосини қилған эмас! – деди Қосимбек юпқа лаблари гезариб.

– Чакки қилурсиз! Аркони давлатга, сиёсат дағдағасиға мансуб ҳар кимса беистисно тезфаҳм бўлмоғи лозим, – деди Бобур хиёл юмшаб. – Зеро, ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб. Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не балоларга дучор бўлдик, энди кўзни очмоқ даркор.” [2:12].

“– Бу аччиқ киноялар эмас, Қосимбек, – деди Бобур ўйчан, – бу аччиқ ҳақиқатлар, холос. Сизга киноя қилмоқ хаёли хотирамға ҳам келган эмас. Ахир, сизга теккан калтакнинг бир учи албатта бизга ҳам тегур. Фақат, Султон Аҳмад Танбалдек маккор тулкининг ширин сўзларига инониб ўтирганингиз бизни беҳад таажжубга солаётир.”- дея жавоб берди [3:15].

Ҳақиқатдан, Бобур мирзонинг хавотирига асос бор эди. Воқеалар ривожи шуни кўрсатадики, Аҳмад танбал хоинлик қилди.

Тонг қоронғисида ҳамма Қанбар Алибекнинг жонҳолатдаги қичқириғидан уйғониб кетди:

– Ёғий етти, қўпунг! [3:15].

– Уронни (парол) айтинг! – деб буюрди соқчибоши пинак бузмай.

Шу ўринда “ўрон” терминига эътиборимизни қаратамиз: Ўрон" - "ўз", "ўзимизники" маъноларидаги мўғулча "ўр", "ўров" сўзларидан бўлиши мумкин, аммо бу сўзни туркийларга бегона деб бўлмайди. Мирзо Улуғбек "Тўрт улус тарихи"да мўғул тили илгари туркий тилга яқин эди, деб ёзади. Қолаверса, туркий халқларда азалдан ҳар бир қабиланинг ўз белгиси бўлган [4:89].

Эътибор қилинса, Бобурнинг "ўрон" сўзига берган мазкур изоҳи ҳамда "пароль" сўзига "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да келтирилган шарҳ деярли бир хил. Яъни, иккаласи ҳам: "ўз кишиларини таниш учун учрашганда айтиладиган ва олдиндан белгилаб қўйиладиган шартли махфий сўз" [6:52].

"Бу кайфият мундоқ экандурким, Айюб Бекчикнинг туманидин бир неча мўғул Ўшдин биздин айрилиб қазоқлиққа Андижоннинг гирдиға келган экандурлар. Бизнинг черикнинг ғавғосин эшитиб, инчкалик била илгаррак келиб ўрондошурлар (таъкид бизники. А.Ҳ.) Бу ўрон икки нав бўлур: улким, ҳар қавмнинг ўрони бор, нечукким, баъзи қавмнинг ўрони "дурдона"дур ва баъзининг "тўқбой", баъзининг "лулу"; яна бир тамом черикка иш маҳалида икки лафзни ўрон қўярларким, иш вақтида учрашқонда, бири бир лафзни айтқонда, яна бири ул маъҳуд (аҳдлашилган. А.Ҳ.) лафзни айтқай, то бу тариқ била ул ёғийдан айрилғай ва ўз кишисини ётдин фарқ қилғай"[5:92].

“– Сайрам! – деди у қатъий, кескин оҳангда. – Сайрам!

Соқчибоши бирдан бўшашиб, ўқ-ёйини ерга қўяркан, пастга қараб пўнғиллади:

– Дарвозани очинг!”

Ва ниҳоят, Тошканддан ўзларига паноҳ топдилар...

Ушбу ҳикояни ўқир экансиз, гўё ўша давр

силсиласига тушиб қолгандай бўласиз. Бош қаҳрамоннинг кўнглида кечган ўй-ҳаёллар оғушида суза бошлайсиз. Унда кечган изтироблар кўланкаси сизнинг ҳам қалбингизни ўртай бошлайди. Ушбу ҳикояни ўқир эканмиз, Бобур шахсининг нақадар нозик табиат соҳиби бўлганлигига, умрининг аксарият йиллари рутубатли ва хавф-хатарли ўтганлигига яна бир бора ишонч ҳосил қиламиз.

Адабиётлар

1. Сирожиддинов Ш., Жабборов Н. Бобур шахсиятининг жозибаси. Saviya.uz.
2. Султонов Х. Паноҳ. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
3. “Тошкент” дея аталур. Методик-библиографик қўлланма © Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
4. Маҳмуд Қошғарий . Девону луғотит турк. 1-том, 2011.
5. Бобурнома. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2002.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти 2001.

РЕЗЮМЕ. Мақолада атоқли ҳикоянавис Ҳайриддин Султоновнинг “Паноҳ” ҳикоясида Бобур образининг ифодаланиш хусусиятлари тарихий воқеалар асосида баён қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье представлена информация о "Панах" известного писателя Хайриддина Султанова особенности образа Бабура описаны в свете исторических событий.

SUMMARY. The article presents information about "Panah" by the famous writer Khayriddin Sultanov, the features of the image of Babur are described in the light of historical events.

ҚАЗАҚ ҲӘМ ӨЗБЕК ӘДЕБИЯТТАНЫЎЫНДА СТИЛЬ МӘСЕЛЕСИНИҢ ИЗЕРТЛЕНИЎИ

М.К.Баўетдинов – *таяныш докторант*

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: адабиётшунослик, услуб, метод, статик услуб, динамик услуб, давр услуби.

Ключевые слова: литературоведение, стиль, метод, статический стиль, динамический стиль, стиль эпохи.

Key words: literary studies, style, method, static style, dynamic style, era style.

Стиль көркем шығарманы түсиниўдеги ең әҳмийетли категориялардан бири болып табылады. Көркем шығарманың инсан санасына эстетикалық тәсир етиўи тиккелей стиль менен байланыслы. Оны анализ етиў әдеўир қурамалы болып, әдебияттаныў илиминде комплексли билим ҳәм тәжирийбеге ийе болыўды талап етеди. Ҳәзирги ўақытта әдебияттаныўда көркем стиль мәселесинде еле анық илимий жуўмаққа келинбеди. Сонлықтан, көркем әдебияты жақын болған туўысқан халықлар әдебияттаныўында бул мәселениң қалай изертленгенин үйрениў ҳәм тийисли жуўмақлар шығарыў зәрүрлиги туўылады.

Түркий халықлар әдебияттаныўында стиль туўралы илимий изертлеў жумыслары турақлы алып барылмақта. Соның ишинде, қазақ әдебияттаныўында бул мәселе әдебият теориясына тийисли илимий изертлеў жумысларында үйренилди. Олардың ишинде Қажым Жумалиевтиң «Стиль – өнер ерекшелиги» атлы мийнети әҳмийетли. Илимпаз өз мийнетинде стильдиң терминлик сыпатынан баслап, оның пүткил тарийхын үйренеди. Көркем стиль – ҳәр дөретиўшиниң өзине тән өзгешеликлери екенин түсиндирип, «стиль түсинигине жазыўшының тили, манерасы, шығармаларының композициясы, сюжет қурыў, тема таңлаўы, жанрлық өзгешеликлери ҳәм тағы басқа компонентлери киреди. Ең тийкарғысы, орталық мәселе – идеялық мазмун» [6:13], деген жуўмақ береди. Сондай-ақ, әдебиятшы З.Қабдолов Қ.Жумалиевтиң пикирин толықтырып, «идеялық-көркемлик негиздиң тек сол жазыўшыға ғана тән өзгешелигин түсинемиз. Бундай өзгешеликти жазыўшы творчествосының мазмуны менен формасына қатнаслы басқа жерлерден де излеп таба бериўге болады. Мине, стиль – ҳәр дөретиўшиге тән усындай творчестволық өзгешелик» [8:336] деп атап өтеди. Ал, Қ.Мәшҳүр-Жүсипов болса өзиниң «Қазақ лирикасындағы стиль ҳәм образлылық» [10] атлы монографиясында лирикадағы стиль мәселесин көркемлик усыл ҳәм образлылық дөгерегинде изертлейди. Буннан басқа да, стиль мәселелерин өзинде қамтып алған мақалалар жыйнағынан ибарат «Стиль сыры» (1974), «Қазақ көркем шығармаларының жанры менен стили» (1982), «Қазақ әдебияты: стиль мәселелери» (1986) топламлары да қазақ әдебияттаныўында бул мәселениң жетерли дәрежеде изертленгенинен дәрек береди. Улыўма алғанда, қазақ әдебияттаныўында стильге эволюциялық сыпат берилип, жазыўшының дөретиўшилигиндеги баслы өзгешеликлерге дыққат қаратылады.

Ал, өзбек әдебияттаныўында болса стиль бойынша дәслепки изертлеў жумыслары XX әсирдиң басларына туўра келеди. Ол дәўирде А.Фитраттың «Әдебият қағыйдалары» (1926), А.Саъдийдиң «Әдебий ҳәм теориялық әдебият сабақлары» (1923) мийнетлеринде стиль атамасына бириншилерден болып түсиндирме бериледи. «Фитрат ҳәм Саъдий мийнетлеринде стиль мәселеси кең планда үйренилген. Оған, тийкарынан, поэтикалық қубылыс сыпатында қаралған. Стильдиң миллий тил, миллий әдебият, дөретиўшиниң дүньяқарасы ҳәм жәмийетлик орталық пенен, сондай-ақ көркем форма менен байланыслылығы баслы итибарда болған» [7:101]. Буннан соңғы дәўирлерде И.Султан, Н.Шукуров, С.Мамажанов, Ҳ.Балтабаев, Т.Расулов, И.Тулаков, Н.Джуманиязова, Д.Холдоров, Д.Тажибаева, М.Даврономалар тәрепинен бирқанша илимий жумыслар әмелге асырылған. Бул жумысларда қазақ әдебияттаныўына салыстырғанда стиль тәбияты, оның методтан айырмашылығы, түрлениўи сыяқлы мәселелер Наўайы шығармаларынан баслап ҳәзирги дәўирдеги шайыр-жазыўшылар дөретиўшилиги мысалында кең көлемде таллаў исленген. Әсиресе, әдебиятшы Ҳ.Балтабаевтың стильди үйрениўге байланыслы «…стиль сөзин қолланыўдан алдын ол көркем шығармаға қарата айтылып атыр ма ямаса жазыўшының дөретиўшилик өзине тәнлиги нәзерде тутылып атыр ма, я болмаса басқа мәнилерде ме айырып алыў тийис. Демек, стиль түсинигин дәслепки еки мәниден биринде қолланып атырғанда (жазыўшы стили) дөретиўши талантының қайталанбас тәбияты, манерасы ҳәм өзине тәнлигин нәзерде тутыў, стиль сөзин белгили бир шығармаға қарата ислетип атырғанда сол шығарманың жанр ҳәм форма қәсийетлерин де инабатқа алыў керек болады» [2:322] деген пикирлери итибарға ылайық. Илимпаз Д.Куронов болса стильди төмендегише түсиндиреди: «стиль жазыўшының дөретиўшилик индивидуальлығын белгилейди, дөретиўшилик индивидуальлық болса ол жаратқан шығарманың барлық тәреплеринде (көркем тексттиң дүзилиси – риторик, көркем ўақыяны жаратыў принциплери – поэтика) бирдей көринеди» [9:448].

Өзбек әдебияттаныўында және бир әҳмийетли мәселе, яғный стиль ҳәм метод түсиниклери бойынша дискуссия көзге тасланады. Оған муўапық, илимпаз Ҳ.Балтабаев А.Саъдий концепциясына негизленип стильди төмендеги мәнилерде, яғный 1. Көркем